



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 49 (12.110)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«Ташаббус-2012» кўрик-танловининг туман босқичлари Учтепа ва Миробод туманларида бўлиб ўтди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, танловда қатнашиш истагини билдирган тадбиркорлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, Учтепа туман босқичида ҳам 30 дан ортиқ тадбиркор ва хунармандлар ўзларининг 100 дан ошиқ турли хилдаги маҳсулотлари билан қатнашдилар.

«Ташаббус — 2012»

КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Ўзининг 40 дан ортиқ нон ва нон маҳсулотларини кўргазмада намойиш этган «BOG'ISTON NON» МЧЖ ХК ўз соҳасида етакчи корхоналардан ҳисобланади.

— Бизнинг ташкилот хорижлик шериклар билан ҳамкорликда 2006 йили ташкил қилинган, — дейди корхонанинг маркетинг бўйича директор ўринбосари Евгений Пахолка. — Германиянинг замонавий юқори технологик ускуналари маҳсулотнинг сифатли чиқиши ва ресурсларни тежаш имкониятини беради. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, талаб кучаётгани боис товарларни ишлаб чиқариш ҳажми

тобора кенгайяпти. Ҳозирда корхонамиз кунига 17-18 тонна нон ва нон маҳсулотларини аҳолига етказиб бераёпти. Шаҳримиздаги 5 та супермаркетлар ва савдо шохбчаларини ўзимизнинг турли-туман маҳсулотларимиз билан таъминлаб келмоқдамиз.

20 дан ортиқ тадбиркор ва хунармандлар иштирок этган Миробод туманидаги танлов ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Ушбу танловда биринчи ўринни эгаллаган хусусий тадбиркор Шахло Зоирова ўзининг бежирим либослари билан ҳакамлар ҳайъати ҳамда тадбирга йиғилганларда улкан таассурот қолдирди. Шунингдек, 2,3-ўрин-

ларни эгаллаган зардўз-хунарманд Фароғат Эргашева ҳамда ёғоч ўймақори Фотиҳ Қутбидиновларнинг миллий хунармандчилигимизнинг айнан мураккаб йўналишларида юқори савияда яратган амалий ишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Анъанага айланган «Ташаббус-2012» кўрик-танловида қатнашган бошқа хусусий тадбиркор ва хунармандларга ҳам тадбир ташкилотчилари томонидан сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

Фаррух БАХРОМОВ
Козим Ўлмасов олган сурат



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, Республика Марказий банки, «Асакабанк», «Ипотека-банк», «Агробанк» ва «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида «Мулкдор оила — фаровон жамятимиз асоси» мавзуида форум ташкил этилди.

● Миллий матбуот марказида Республика Марказий банки ташаббуси билан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда банк тизимининг роли мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Марказий банк, турли тижрат банкларининг масъул ходимлари ва журналистлар иштирок этди.

● Наманган вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

● Айни кунларда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўта бўлган йигитлар уйига қайтмоқда. Жойларда уларни тантанали кутиб олиш маросимлари ўтказилмоқда. Қарши темир йўл вокзалида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар, фахрийлар, аскарларнинг оила аъзолари, талаба-ёшлар иштирок этди.

● Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Microsoft корпорацияси ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ўзаро ҳамкорлик битими имзоланди.

ЖАҲОНДА

● Франция Президенти Николя Саркози ўз мамлакатининг Шенген шартномасидан чиқиши мумкинлигини маълум қилди.

● Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта фондидан молиявий кўмак олиб қатъий иқтисод қилиш йўлини танлаган Грецияда 2011 йилнинг декабри ойида ишсизлик ҳолати ўрганилгач, мазкур рақам 21 фоизни ташкил этган ҳолда рекорд даражада етгани аниқланди.

● Кеча Токиодаги Япония миллий театрида мамлакат императори иштирокида бундан бир йил муқаддам кучли zilзила ва цунами рўй бериши натижасида қурбон бўлганларнинг хотирасини ёдга олиш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, Европанинг Франция, Бельгия ва Германия давлатларида ҳам шу муносабат билан атом электр станциялари фаолиятига қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

● Кеча Покистоннинг шимоли-ғарбида амалга оширилган кучли портлаш натижасида 11 киши ҳалок бўлди, 30 га яқин одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

● Кеча Испаниянинг Мадрид ва бошқа йирик шаҳарларида касаба уюшмалари томонидан яқинда қабул қилинган меҳнат қонунчилиги юзасидан ислохотларга нисбатан кўп минг кишилик норозилик намойишлари уюштирилди.

● Исландияда мамлакатнинг собиқ бош вазири Гейр Хорде устидан суд жараёни бошланди. У мамлакат молиявий инқирози учун замин яратганликда айбланмоқда. Айтиш керакки, 2008 йилда молиявий инқироз мамлакатни мушкул аҳволга туширган эди ва айнан шу ҳолат Исландия банк тизимини деярли барбод қилган. 2010 йилда махсус мустақил комиссия Хорде ва яна уч нафар юқори лавозимли амалдор Исландиянинг молиявий ҳолатини яширганлигини аниқлаганди.

Тошкент шаҳрида 1-2 март кунлари «Изчил тараққиёт — Марказий Осиёдаги барқарорлик ва тинчликнинг муҳим омили» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинарда Марказий Осиё мамлакатлари давлат тузилмалари ва илмий-тадқиқот марказлари экспертлари, АҚШ, Россия, Хитой, Буюк Британия, Франция, Финляндия каби мамлакатлардан мутахассислар, шунингдек, БМТ, МДХ, ЕХТнинг қатор агентлик ва тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда жаҳондаги молиявий-иқтисодий жараёнларнинг Марказий Осиёдаги вазиятга таъсири юзасидан фикр алмашилди, минтақа мамлакатларида барқарор тараққиётни таъминлаш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда хорижлик экспертлар томонидан Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилаётган ютуқларга, мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга юксак баҳо берилди.

БМТ Бош қотибнинг махсус вакили — БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари М.Енча жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон самарали молия сўбаси юритиши натижасида инқирознинг салбий таъсирини сезиларли даражада камайтиришга ва барқарор иқтисодий ўсишга эришганини, бу жаҳондаги етакчи молия институтлари томонидан ҳам тасдиқланганини таъкидлади.

Хитой Халқ Республикаси Ташқи

ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хитой халқаро тадқиқотлар институти эксперти Ли Минье таъкидлаганидек, бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» ўзини тўла оқлади ва самарали эканлигини исботлади. Ли Минье Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ҳар йили, айниқса, инқироз ва ундан кейинги даврда барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг юқори даражаси Ўзбекистон ҳуку-

ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЁТ — ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

матининг иқтисодий ривожланиш бўйича танлаган йўли тўғри эканлигини далил қилишни қайд этди.

БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Ўзбекистон ҳукумати томонидан ижтимоий сўбасат масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини, 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши ва оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Давлат дастури қабул қилингани бунинг ёрқин далили эканини алоҳида таъкидлади. Британиялик эксперт М.Кахан Ўзбекистонда бюджет маблағларининг 60 фоиздан ортиги ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилаётгани ҳукуматнинг мамлакатда инсон салоҳиятини ри-

вожлантиришга қаратаётган улкан эътиборидан далolatдир, деб қайд этди.

БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС) раҳбари М.Котерц ижтимоий-иқтисодий соҳа тараққиёти мамлакат барқарор ривожланишининг муҳим омилига айланиши Ўзбекистон мисолида ўзининг ёрқин ифодасини топаётганини таъкидлади. БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши президенти Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳамма жойда, мамлакатнинг барча ҳудудларида алоҳида эътибор қаратилаётганини ва бундай комплекс ёндашув гоят оқилона қарор эканини қайд этди.

Хорижлик экспертлар томонидан Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДХ мамлакатлари бўйича бюроси директори ўринбосари Й.Вендел Ўзбекистонда энергия-

ни тежовчи технологияларни жорий қилиш, шунингдек, қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича фаол иш олиб борилаётганини таъкидлади.

Анжуман якунида барча иштирокчилар мазкур семинар минтақавий ривожланишнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш бўйича фойдали баҳс майдони бўлди, деган яқдил фикрни билдирди. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг долзарб муаммоларига жавоб топиш ва ҳал қилиш йўллариини излаш мақсадида бу йўналишдаги мулоқотларнинг давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Минтақа давлатлари барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

(ЎЗА)

Қарор ва ижро

ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли боғлайдиган, минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрalli таркибига кирадиган йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш гоят муҳим аҳамиятга эгаллиги алоҳида қайд этилди.

Ҳозир юртимиздаги автомобиль йўллари узунлиги 184 минг километри ташкил этади. Шундан 42 минг 654 километри умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ҳисобланади. Унинг 2 минг 755 километри Ўзбек миллий автомагистрalli таркибидир. Мазкур йўллари техник соҳада сақлаш, таъмирлаш, барча фаслда узлуқсиз ва хавфсиз транспорт қатновини таъминлаш — доимий эътиборда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзавтйўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз борди.

«Ўзавтйўл» давлат-акциядорлик компаниясининг раиси М.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий автомагистрalli таркибига кирадиган йўллари қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларининг жадал амалга оширилаётгани халқаро, транзит ва республика ичида юклар ва йўловчиларни йил давомида бир маромда ташишни янада сифатли ташкил этишга хизмат қилишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 22 апрелда қабул қилинган «2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрalli реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистон миллий автомагистрalli бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари бу борада муҳим дастурулама бўлаётди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда ша-

ҳар Адлия бошқармаси томонидан олимлар, ўқитувчилар, талабалар ва соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган илмий-амалий семинар юридик фанларни ривож-

лантириш концепцияси муҳокама-сига бағишланди.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Олмасор туман бўлими Кенгаши томонидан тумандаги ёшларни ҳаракат сафига

янада кенг жалб этиш ҳамда ташкилот фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида «Келажакка қадам» акцияси ташкил этилади.

Тошкент бугунги кунда — нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки бутун минтақада замонавий ижтимоий-сиёсий, молиявий-иқтисодий ва маданий-маърифий марказ саналади. Бу, кенг қамровли транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимига эга мегаполисдир.

Ислом КАРИМОВ



Мустақил республикамизнинг 20 йил мобайнида эришган ютуқлари кундалик турмушимизнинг барча бўғинларида намоён бўлмоқда. Бу йиллар мобайнида Тошкент шаҳри республикамиз иқтисодиётининг турли бўғинларига янги технологияларни жорий қилиш, бошқариш ҳамда ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда юксак погонани эгаллаб келмоқда. Бунга қуйидаги рақамлар гувоҳлик беради: 2011 йил якунига кўра Тошкент шаҳрининг республика ЯИМдаги улуши 14,1 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 19,5 фоизни, савдо айланмасидаги улуши 24 фоизни, хизматлардаги улуши 29,6 фоизни, асосий капиталга инвестициялардаги улуши 19,2 фоизни, ташқи савдо айланмасидаги улуши 41,2 фоизни ва экспортдаги улуши 36,9 фоизни ташкил этди.

Шаҳар миқёсида олиб борилаётган ислохотлар, иқтисодиётнинг саноат бўғинини ривожланишига ижобий таъсир этиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори суръатларда ҳар йили ўсиб боришига замин бўлмоқда. Бунга эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Маҳаллий озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», «Республика миқёсида истеъмол бозоридаги маълум бир турдаги мактаб анжомлари етарлилиги юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш кўрсаткичлари тўғрисида», «Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатга мос келувчи янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ўзлаштиришнинг асосий чора-тадбирлар дастури тўғрисида», «2012-2015 йилларда Республика озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва бошқарув ташкилотини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарорлари бажарилиши асосида ҳар йили янгилаш туричи саноат кооперацияси бўйича тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури асосида ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш учун корхоналарга қўлланилаётган солиқ ва божхона имтиёзлари тўғрисида тўғри таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунга келиб шаҳримизда 8000 дан зиёд саноат корхоналари фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 95 фоизини кичик бизнес субъектлари ташкил этади. Шаҳар ишлаб чиқариш қувватининг қарийб 70 фоизи 116 та йирик саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Улардан асосийлари «Ўзбеккабель» АЖ ҚҚ, «Кока-кола ичимлиги» ХК, «Новофарма плюс» МЧЖ ҚҚ, «Журабек лабораториес» ҚҚ, «Ёғ-мой комбинати» ОАЖ ҚҚ, «Тошкент қозғози» МЧЖ, «Дойче кабель» ҚҚ, «Тошкент лок-бўёқ заводи» корхоналари саналади. Охириги йилларда Тошкент шаҳрининг ишлаб чиқариш салоҳиятига «Тошкент труба заводи» ҚҚ, «Нео Сан лайт» МЧЖ ҚҚ, «Радикс» ҚҚ, «Ремеди групп» ҚҚ корхоналарининг қўшаётган ҳиссалари катта бўлмоқда.

Бугунги кунга келиб саноат ишлаб чиқариш тузилмаси кескин ўзгарди, жисмонан ва маънан эскирган ишлаб чиқариш ускуналарини янгилаш, корхоналар тузилмасини қайта қўриб чиқиш эвазига эски технологиялардан янги, яъни ресурс ва энергияни тежайдиган юқори қўрсаткичли технологияларга ўтиш ишлари амалга оширилмоқда.

Яратилган йирик ишлаб чиқариш салоҳияти, келгусида шаҳар ва республиканинг самарали ривожланишида мустақам иқтисодий асос ҳисобланади. Тошкент шаҳрида пахта териш техникаси ва қишлоқ хўжалиги машиналари, мебель маҳсулотлари, ускуналар, истеъмол товарлари, республика электрон саноати маҳсулотларининг 95 фоиздан ортиги, мослама-қурилиш маҳсулотларининг 90 фоиздан юқори қисми, кабель маҳсулотларининг 50 фоиздан ошқ қисми ишлаб чиқарилади. Қурилиш-монтаж ишларининг юқори даражадаги ўсиш суръ-

ати қурилиш индустрияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турининг ва ҳажмининг ўсишида муҳим ўрин эгаллади.

Тошкент шаҳрининг саноат таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми иккинчи ўринни эгаллайди, унинг умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 25 фоизни ташкил этади.

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига янги ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилмоқда, истеъмол маҳсулотларини тайёрлаш ҳажми ўсмоқда. Натижада мазкур маҳсулотларнинг импортини бозордан чиқаришга эришилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши нафақат янги ишлаб чиқаришларнинг йўлга қўйилиши, балки ишлаб турган корхоналарнинг кенгайиши ва модернизациясига ҳам боғлиқ. Охириги вақтларда шаҳарда гўшт-сут маҳсулотлари, болалар озуқа-

котаж маҳсулотлари, пахтадан ишланган мато, тери хом ашёси, ипак, момик пахта, калава, тайёр пластик маҳсулотлар, машиий техникалар, ювши-тозалаш ҳамда дори-дармон воситалари, шунингдек қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари. Экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиши ўтган йил якунлари бўйича ташқи савдо айланмасида 554,7 миллион долларлик ижобий салдонни таъминлади.

Тошкент шаҳрининг умумий ташқи савдо айланмасидаги маҳсулотлар импортининг улуши қисқариб бораётгани кузатилмоқда. Импорт улушининг қисқаришига 8 йил давомида амалда татбиқ этиб келинаётган маҳаллийлаштириш Дастури муҳим ва ижобий таъсир кўрсатди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида биргина 2011 йилнинг ўзига Тошкент шаҳар ҳудудий корхоналарининг 331 таси маҳаллий хом ашё негизида маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширди. Бунинг натижасида илғор технологиялар билан жиҳозланган янги ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилди ва совутгичли савдо ускуналари, «GM Uzbekistan» ЁАЖ ҳамда Самарқанд автомобиллар заводи учун бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, металл ва поливинилхлорид қувурлар, фитинглар, пўлатдан турли қурилиш материаллари, алюминий эритмалардан конструкция ва буюмлар, иссиқ сув таъминотининг гелиотизимлари, фотоэлектрик марказлар, асинхрон электрдвиғателлар,

нефть-газ саноати учун ускуналар, тиббиёт ускуналари, дори воситалари, энгил саноат ва чарм-пойабзал саноати учун металл фурнитуралар каби маҳсулот ва ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий ночор корхоналарни жонлантиришда ва молиявий соғломлаштиришда тижорат банкларининг роли муҳим аҳамият касб этади. Бу каби ишлар натижасида «Тошкент қозғози», «Керамик-модерн», «Азия пипепласт», «Азия бисквит» ва бошқа корхоналар ишлаб чиқаришини сақлаб қолишга эришилди.

Шаҳар саноатининг замонавий ҳолатини ички ва ташқи бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиб, унинг ривожини учун қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мумкин:

- машинасозликда — табиий газ ускуналари, ҳисоблагичлар ва металл фурнитуралар ишлаб чиқариш;
- электротехникада — кабель маҳсулотлари, машиий электротехника ва ускуналар, энергия тежаш лампалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- фармасаноатда — маҳаллий доривор гиёҳлар асосида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва технологияларни ўзлаштириш;
- қозғоз саноатида — қозғоз ва қозғоз маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини йўлга қўйиш;
- шиша саноатида — фармацевтика саноати учун шиша идишлар ишлаб чиқариш технологияларини эгаллаш;
- текстиль саноатида — аралаш матолар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш;
- чарм-пойабзал саноатида — болалар ва аёллар учун янги турдаги маҳсулотлар, чарм буюмлари ва материаллар ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш;
- қурилиш материаллари саноатида — девор маҳсулотлари, ПВХ дан линолиум, қозғоз ва синтетик девор гулқоғозлари ишлаб чиқариш;
- спорт анжомлари ва болалар ўйинчоқларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Тошкент шаҳрининг барча ютуқлари бу — авваламбор Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг мақсадли равишда ва тўлиқ амалга оширилиши натижасидир. Келгусида ҳам иқтисодиётнинг барча соҳаларининг барқарор ишлашига, ишлаб чиқаришнинг ички бозор талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ қамраб олинишига алоҳида аҳамият бериш ва назоратга олиш лозим. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва истеъмол моллари ишлаб чиқарувчилар учун кенг имкониятлар, имтиёзлар яратиш лозим.

Саидали НАСРЕТДИНОВ,
Тошкент шаҳар Иқтисодиёт
бош бошқармаси бошлиғи

Долзарб мавзу

**САНОАТ САЛОҲИЯТИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ — ИҚТИСОДИЙ
БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИДИР**

си, томат куйқаси, полиз экини маҳсулотларини қадоқлаш, мева-сабзавот шарбатлари, кетчуп, музқаймоқ, алкоғолсиз ичимликлар, ўсимлик мойи каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватлари йўлга қўйилди.

Қулай географик шароит ва ривожланган инфратузилмага эга бўлган Ўзбекистон пойтахти шаҳар саноатидаги улуши 37 фоизни ташкил этган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар каби ишбилармон ҳамкорларни жалб этди.

Мустақиллик даврида хорижий сармоялар иштирокида ташкил этилган корхоналар сони 70 мартага ошди. Бугунги кунда 3000 та қўшма корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, булар АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия, Россия, Германия, Хитой, Туркия каби ривожланган мамлакатлар сармоялари иштирокида ташкил этилган.

Фаол инвестицион сиёсат янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ривожланиши билан боғлиқ. Асосий капиталга инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 2011 йилда ўтган йилларга нисбатан 5-10 фоизни ташкил этди.

Амалиёт шуни кўрсатдики, саноатнинг электротехника, озиқ-овқат, гўшт-сут, фармацевтика, машинасозлик, тўқимачилик каби соҳаларида ва қурилиш моллари ишлаб чиқариш саноатида фаолият юритаётган корхоналар кўпроқ ўзларига инвестицияларни жалб этмоқда.

Шаҳарнинг мўътадил инвестицион муҳити мустақам иқтисодий ўсиш ва сиёсий барқарорлик; тез ривожланадиган саноат салоҳияти ва хизматлар бозори; дунёнинг ривожланган мамлакатларига чиқиш имконини берувчи илғор транспорт инфратузилмаси; юқори малакали меҳнат ресурслари; молиявий ва телекоммуникацион сектор ривожига қўлай шароит ярашади.

Инвесторларнинг, жумладан, хорижий инвесторларнинг шаҳар иқтисодиётига ўз сармояларини йўналтиришларининг асосий сабабларидан бири бу инвестицион дастурга киритилган лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган корхоналар даромадларидан тўланадиган солиқ тўловларидан етти йил муддатга озод этилиши каби амалда қўлланилаётган имтиёз ва преференциялардир.

Шаҳарнинг мустақам иқтисодий ўсиши маҳсулотлар экспортининг юқори даражадаги ўсиш суръатлари орқали таъминланади, бу эса Тошкент шаҳрида республика экспорт ҳажмининг 25-28 фоизини ташкил этади. Бугунги кунда шаҳарнинг экспорт салоҳияти етарли даражада юқори бўлиб, булар: қишлоқ хўжалиги машиналари ва асбоб-ускуналари, электротехник маҳсулотлар, қурилиш моллари, тайёр три-

**2012 йил — Мустақкам
оила йили**

**ОИЛА ВА ЭКОЛОГИК
МАДАНИЯТ**

Оила ҳаёт абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, миллий қадриятларимизни келажак авлодларга етказадиган муқаддас маскандир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида оиланинг жамиятдаги ўрни ва ролини юксалтириш, оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазалашга қаратилаётган доимий эътибор юксак самараларини бераётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Мустақкам оила йили» Давлат дастури бу йўналишда олиб борилаётган ишларни янада юқори босқичга олиб чиқиш, оила институтини ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасида «Экологик маданият — мустақкам оила таянчи» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатиде шулар ҳусусида сўз юритилди. Экоҳаракат депутатлар гуруҳи билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, жамоат тузилмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари П.Реймов, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши икромия қўмитаси раиси ўринбосари У.Комилова, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раисининг ўринбосари Г.Алимова ва бошқалар мамлакатимизда оила институтини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор жамият тараққийотлари таъминлаш, ўзгилгимизни асраш, ёшларни миллий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Оила инсониятнинг фаровон келажиги кафолати бўлган экологик барқарорлиқни таъминлашда оид муаммоларни бартараф этишда ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган муҳим тарбия маскандир. Зеро, инсонда табиатга муҳаббат, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш туйғусини шакллантиришда оилавий қадриятларнинг, оилада берилган тарбиянинг ўрни муҳимдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила институтини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустақкамлаш, оилаларни муҳофазалаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш каби муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида оилада экологик таълим-тарбияни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. «Оила — маҳалла — мактаб» концепцияси асосида амалга оширилаётган муҳим тадбирлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилаётган умумхалқ ҳашари, барқарор ривожланиш учун таълим каби қатор экологик лойиҳалар бу борадаги кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда ўз самараларини бераётир.

Давра суҳбатиде «Мустақкам оила йили» Давлат дастурини рўйбга чиқаришда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустақкамлаш, оила институтини ривожлантиришга оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш борасидаги вазифалар ижроси ҳусусида фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

**ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ
КЎЛАМИ
КЕНГАЙМОҚДА**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиклол йилларида «Узавтоўл»нинг халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлаш учун масъул идоралари, илмий-тадқиқот институти ва махсус қурилиш корхоналари томонидан 175 кўприк, 19 йўл ўтказгич барпо этилиб, халқаро ва давлат аҳамиятига эга 4050 километрга яқин янги йўллар қурилди. Тоғли ҳудудларда бешта довон йўли бунёд этилди.

2011 йилда йўл ва кўприклар қурилиши суръати янада ошди. Барча ҳудудлар бўйлаб 1506 километр автомобиль йўллари янгидан қурилди ва таъмирланди. Миллий автомагистрални қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизилиб, реконструкция қилиниб, юзга яқин янги йўл-сервис объекти фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори соҳа ривожиде янги саҳифа очди. Қарорга кўра, Ўзбек миллий автомагистрални қуришга кирувчи йўлларида 2306 километри, жумладан, 1410 километри реконструкция қилиниб, 896 километри 10 тонналик оғирлик-мезёрый бириктидан 13 тонналик оғирлик бириктига ўтказилади. «Бейнов-Қўнгор-Бухоро-Навий-Самарқанд-Тошкент-Андижон» йўналиши бўйича 1008 километр, Қамчиқ довонининг «Тошкент-Уш» автомобиль йўлидаги 100 километрик йўлни қайта қуриш ва реконструкция қилиш шулар жумласидандир.

Миллий автомагистрални модернизация қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан стратегик аҳамиятга эгадир. Шу боис соҳага хорижий маблағларни жалб этишга эътибор қаратилмоқда. 2012 йил инвестиция дастурига мувофиқ, 517 километр узунликдаги автомобиль йўлини қуриш, 204 километр йўлни мукамал таъмирлаш, 3,5 миң километр йўлни жорий таъмирлаш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда тизимдаги корхоналар учун юздан ортққ замонавий техника ва механизмлар харид қилинади.

Ўзбек миллий автомагистрални бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш мақсадиде хозиргача 240 шохобча ва меҳмонхона қурилди. 2011-2015 йилларда сервис хизмати кўрсатувчи яна икки юздан ортққ объект барпо этилади. Бу эса юзлаб ёшларимизни янги, муҳим иш ўринлари билан таъминлаш имконини беради.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири



Мухаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

Спорт

УЧРАШУВЛАР, НАТИЖАЛАР

Ниҳоят футбол мухлислари орзиқиб кутган кунлар келди. Осиё футбол конфедерацияси томонидан Осиё чемпионлар лигаси турнири гуруҳ баҳсларига старт берилди.

Маълумки, жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси турнирида юртимиз шарафини мамлакатимиз чемпиони «Бунёдкор» кумуш медал соҳибдори «Насаф» ҳамда Ўзбекистон Кубоги соҳиби «Пахтакор» жамоалари ҳимоя қилишмоқда.

«Жар» стадионидан Осиё чемпионлар лигаси «Е» гуруҳидан ўрин олган Тошкентнинг «Бунёдкор» ҳамда Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» командалари ўртасида биринчи тур учрашуви бўлиб ўтди.

Онигини айтганда, мухлислар «Бунёдкор»дан галаба куттигани бор гап. Аммо биринчи бўлимда гарчи тошкентликлар асосан ҳужумда, меҳмонлар қарши ҳужумда тўп сурган бўлсаларда, дарвозага аниқ зарба бериш бобида ҳамшаҳарларимизга аниқлиқ етишмади.

Иккинчи бўлимда «Бунёдкор»нинг ўйини жонлангандек бўлди. Чунки меҳмонлар дарвозаси олдига кўп марта хавфли вазиятлар содир этилди. Бирок 53-дақиқада ҳимоячиларимиз хатосидан унумли фойдаланган меҳмонлар футболчиси Энтени Голек Нестеров дарвозасига иккинчи голни киритди.

Учрашув якунланишига санокли сониялар қолганида Камолитдин Мурзоев жамоадошлари оширган тўпни рақиб дарвозасига аниқ йўллаб орадаги фарқни қисқартирди. Шундай қилиб ўйин 1:2 ҳисобида меҳмонларнинг галабаси билан якунланди.

Шунингдек, Саудия Арабистонидан уюштирилган «Ал-Иттиҳод» ва «Пахтакор» жамоалари баҳси 4:0 ҳисобида арабларнинг галабаси билан якунланди. Хулоса қилиб айтганда, мавсум энди бошланмоқда. Жамоаларимиз эса йўл қўйилган хато ва камчиликлар устида жиҳдий бош қотиришлари ҳамда 20 март кунини бўладиган Осиё чемпионлар лигаси турнирининг иккинчи тур баҳсларида ўзларига керакли натижани қўлга киритишга ҳаракат қилишлари лозим.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

«Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Иқтидорли ёшлар ва ёш олимлар билан ишлаш» бўлими ташаббуси билан олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабаларни миллий маънавиятимизга ёт бўлган ғоялардан асраш, оммавий маданиятга қарши иммунитет ҳосил қилишда «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган илмий конференция ташкил этилди.

Анжуманлар

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Муस्ताқилликка эришган кунимизданок Юртбошимиз ташаббуси билан миллий кадрият ва маънавиятимизни асраб-авайлаш, ўсиб келаётган авлодни баркамол воёга етказиш ҳамда бой тарихимизни қайта тиклашга алоҳида аҳамият қаратилиб, «Ўзбек модели» асосида туб ислохотлар, қатор лойиҳалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётди.

Аммо, демократик жамият барпо этиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, ижобий ўзгаришлар қаторида четдан ўзлигимизга ёт бўлган ғояларнинг кириб келаётгани ва унинг хавфи, салбий оқибатлари нақадар кучли эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Жамиятнинг маънавий оламини бу каби турли таҳдидлардан асраш, ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб даврда халқро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаш, улар ҳақида ҳолис ва муस्ताқил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Буларни келажак эгаларига етказишда эса бугунги кунда ёшлар орасида ўз ўрнига эга бўлиб улгурган жамоат ташкилотларнинг ўрни бекиёс.

Айнан мен тахсил олаётган олийғоҳда «оммавий маданият»нинг олдини олишда кўплаб ишлар қилинапти, дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Алишер Маҳамов. Жумладан, намунали профессор-ўқитувчилар билан ёшлар учрашувлари ўтказиб бо-

рилади. Талабаларнинг саҳна кўринишидаги лойиҳалари кўлаб-қувватланади. Булардан ташқари, таҳдидларга қарши курашишда педагогларнинг ўрни ва аҳамиятини оширишда қатор мутасадди идоралар ҳамкорлигида семинарлар мунтазам ўтказилади.


Тадбир давомида профессор-ўқитувчилар, олимлар мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, тайёрлаган тақдиротларини намойиш қилдилар.

Қўшимча маълумот сифатида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш мумкинки, бугунги кунда Тошкент шаҳрида 30 дан ортиқ олий таълим муассасаларида 900 мингдан ортиқ «Камолот» аъзолари ўз фаолиятларини юритмоқда. Ушбу масканларнинг барчасида 270 нафар Етакчилар Кенгаши аъзолари Ҳаракатнинг дастурий максад ва вазифаларини тенгдошларига етказишда кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқаришлар.

Булардан ташқари барча бошланғич ташкилотлар қошидаги «Посбон», «Огоҳ», «Жасорат», «Қалқон» гуруҳлари, «Лидер қизлар», «Мунозара», «Ёш ҳуқуқшунослар» каби клубларнинг фаол аъзолари мамлакатимиздаги ёшларнинг ҳар томонлама соғлом турмуш тарзига амал қилишлари йўлида биргаликда ҳаракат қилолмоқдалар.

Мухтасар қилиб айтганда, қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон сурса, ўша ерда маънавийат қудратли кучга айланади.

Садоқат АСЛАНОВА



ҲИКМАТ — ДИД ЧИРОҒИ

ТҮРТЛИКЛАР

Билган одам билан кенгашсанг яхши, Ўқиб ўрганганга эргашсанг яхши. Лек кўнгил тубидан келар бир хитоб,

Уқиб ўрганганлар оқиллар нақши.

Таваккал тошини тутмоқ аҳдимиз, Вале кўтармоққа етмас шахдимиз.

Рухларидан мадад сўраб турсак ҳам,

Паҳлавон Маҳмуднинг бори баҳтимиз.

Хатолар ҳукмида экан умримиз, Жафолар ҳукмида экан умримиз.

Айтингиз, мен сизни қайдан сўроқлай,

Вафолар - қафасда қолган кумримиз.

Ўқиндим ҳавога учди сўзларим, Мен тошнинг пойида нечун бўзладим.

Жоним чашмасидан сув тутиб, Маҳмуд,

Тиконнинг тигидан вафо изладим.

Вафо-бу кўнгилнинг кўзидаги нур, Меҳр-бу яхшилар сўзидаги нур.

Иккисин изидан келган Садоқат, Жонларга бахш этар жаннатий сурур.

Қабоғида қори бор одам, Балки дилин тубида қуёш.

Эл кўзида ори бор одам, Мумкин кафтда тутиб юрар тош.

Биздан бахтли одамлар кўпдир, Биздан бахтсиз одамлар кўпдир,

Келгин энди, шукр қилайлик, Дунё кўлда бир лангар чўпдир.

(Давоми бор) Маҳмуд ТОИР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Миробод туман ҳокими Ашрабхон Арипханович Ташходжаевга турмуш ўртоғи Ирода Тахировна ТАШХОДЖАЕВАНИҒ ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧУҚУР ТАЪЗИЯ ИЗҶОР ЭТАДИ.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида ниторинг хизмати маълумоти 13 март кунини ҳаво ўзгариб тизга кўра, 13 мартда Тоштурда, кечаси қор ёғади, кент шаҳри об-ҳаво шароити кундузи ёғингарчилик бўлмайди, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиб қорга айланиши қолишига имконият яратадиганлиги бор. Фардан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даражага совиқ, кундузи — 5-7 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг моти...

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тақроран аукцион савдосига қўйиладиган кўчмас мулклар: I. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 14.06.2011 йилдаги №10155/12 - сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич нархи - 31 556 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани, С.Дарбоза кўчаси 202/2-уй, умум. фойдаланиш майдони 45,24 кв.м., яшаш майдони 29,13 кв.м., 2 хонадан иборат бўлган 9-хонадон (тураржой). II. Ҳамза тумани СИБ томонидан 23.08.2010й.даги 1-221/2010-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мумтоз (собиқ Каримов) кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган, «ВАЗИР Д» МЧЖга қарашли, бошланғич нархи 2 415 883 713 сўм бўлган, умумий майдони 34 577 кв.м., 12 та бино, 2 та бинининг бир қисми ва 6 та ишоотдан иборат кўчмас мулклар (собиқ ТашОП) мажмуа ҳолда қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 30 март кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 % дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КО'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхта-тилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ўҳжали судининг 2008 йил 15 майдаги 10-0820/3276 (19)-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган «Мотор заводи» ОАЖ кредит-торларнинг 2012 йил 27 февралдаги йиғилиш қарорига асосан тугатиш бошқарувчиси томонидан «Мотор заводи» ОАЖга тегишли қўйидаги мол-мулклар мулкчи мажмуа сифатида қўйилмоқда: - Тошкент шаҳри, Оҳангарон شوҳ кўчаси, 2-уй манзилидаги, умумий майдони 31,47 Га бўлган, Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган 28 та бино, 1 та бинининг қисми ва қурилиш тугалланмаган 1 та бинишот қисми, 2 та ишоот ва 13 та қурилиши тугалланмаган ишоотлар; - Тошкент шаҳри, Чирчиқ бўйи кўчаси, 9-уй манзилидаги, умумий майдони 4,67 Га бўлган (сервитут қисми 0,21 Га), Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида жойлашган 3 та бино ва бир бинининг қисми; - 2 та энгил, 8 та юк ташиш автотранспорт воситалари ва 1 та автобус; - 3 та трактор ва 7 та тиркама; - Д-240 тоннадаги двигателлар учун мўлжалланган тирсакли валл, блок, шатун ва цилиндр головкаларини ишлаб чиқариш автоматик линиялари; - Д-240 тоннадаги двигателлар йиғиш автоматик линияси; - Ассий воситалар (станок мосламалари); - Товар-моддий бойликлари.

Бошланғич баҳоси — 55 794 096 092 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 9 апрель кунини соат 11:00 да савдо ташкилотчиси «КМСХ» МЧЖ жойлашган манзили

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси охири бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Аукцион савдоларида Яққасарой туман СИБ томонидан қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2011 йил 9 августдаги 1-436/11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри Яққасарой тумани, Уриқзор кўчаси 1-«А» уй, 20-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 73,10 кв.м., яшаш майдони 48,66 кв.м бўлган тўрт қаватли уйнинг тўрттинчи қаватида жойлашган хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 41 281 119 сўм. 2. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳри Яққасарой туман судининг 2011 йил 4 августдаги 1-7195/11-сонли ижро варақасига асосан Яққасарой тумани, С.Мираҳмедов (Боғибўстон) кўчаси 26А-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 701,0 кв.м (кадастр ҳужжати бўйича 600,0 кв.м.) фойдаланиш майдони 269,31 кв.м 9 та яшаш хонаси майдони 152,26 кв.м бўлган уй-жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 182 000 000 сўм.

II. Аукцион савдоларида Юнусобод туман СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманлари судининг 2008 йил 8 октябрдаги ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Ҳ.Абдуллаев кўчаси 122/1-уй, 82-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 76,1 кв.м бўлган, яшаш майдони 42,03 кв.м., 3 та яшаш хонаси, хожатхона, ҳаммом, ошхонадан иборат уй-жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 109 310 649 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 12 апрель кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 10 апрель кунини соат 18:00.

(Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақаммо кўчаси, 1А-уй)да бўлиб ўтади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Мазкур манзилда мулк ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Талабгорлардан аризалар мазкур шаҳарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 6 апрель кунини соат 18:00.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишоннома тақдим этилади. Савдо қолиби деб топилган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотида шартнома келиб тушиши учун етарли бўлган муддатларда тўлашлари шарт: х/р: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Тел: 228-80-23, 228-84-48. Лицензия: RR-0001. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «КМСХ» МЧЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига келиб тушиши учун етарли бўлган муддатларда тўлашлари шарт: х/р: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519. Тел: 228-80-23, 228-84-48. Лицензия: RR-0001. Расмий сайтими: www.1kms.uz

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИКБ Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақаммо кўчаси, 1А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Мухтарам юртдошлар! Сиз учун имконият.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва турар жой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатида ҳамда савдоларни қўниш ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилган хизматлар «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини қафолатлаймиз.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Магбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

«ШАРК» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй